Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)*
**магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
«25» 08 2021 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети:
- ЎзР ФА Сейсмология институти.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофик ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *70530402 – География (ўрганиш объекти бўйича)* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. | *70530402 - География (ўрганиш объекти бўйича)* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари | 4 |
| 1.2. | *70530402 - География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи | 4 |
| 1.2.1. | *70530402 - География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари | 4 |
| 1.2.2. | *70530402 - География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари | 4 |
| 1.2.3. | *70530402 – География (ўрганиш объекти бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари | 5 |
| 1.2.4. | *70530402 – География (ўрганиш объекти бўйича)*мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари | 5 |
| 2. | *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар | 6 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар | 7 |
| | Библиографик маълумотлар | 8 |
| | Келишув варағи | 9 |

## 1. *70530402– География (ўрганиш объекти бўйича)* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

*70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби ***70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)*** магистратура мутахассислиги бўйича магистлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

***70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)*** Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, давлат бошқаруви органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари билан шуғулланувчи ташкилотлар, давлат статистика бошқармаси ва унинг бўлимлари, шунингдек, ҳар хил шаклдаги мулк ва бизнес ташкилотлари, табиатдан фойдаланиш, география,

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– фанлар академияси ва тармоқ илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот бўлимлари;

– мос касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида педагогик фаолият;

– илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;

– қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;

– давлат статистика қўмитаси бўлимлари;

– ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар;

– турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари;

– ташкилий-бошқарув объектлари;

– табиий ресурсларни баҳолаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари;

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти кабиларни ўз ичига олади.

**1.2.4. *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;

– илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

– мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

– илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;

– ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

**Педагогик фаолиятда:**

– олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

– узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши лозим*.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши лозим*.

**Ишлаб чиқариш ва ва хизмат кўрсатиш фаолиятида**:

– ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;

– фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

– иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

– амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш;

– мутахассислик бўйича топонимик, табиий географик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;

– магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

## 2. *70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

### 2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- геотизимлар, геотизимлар эволюцияси, динамикаси, кўлами ва ўлчамлари, турлари, уларни аниқлаш ва моделлаштириш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ландшафт тўғрисидаги ғоя ва тушунчаларининг шаклланиши ва ривожланиши, амалий ландшафшунослик, ландшафтларни хўжалик мақсадларида баҳолаш, улар тараққиётини прогнозлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- республика, шаҳар, вилоят ва туман табиий географик, табиатни муҳофаза қилиш, геоэкологик масалалари бўйича аниқ таклифлар бериш, соҳага оид илмий лойҳаларда иштирок этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича ҳудудлар, шаҳарларда аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ва унинг ҳудудий тафовутларини аниқлаш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланишини таҳлил қилиш турли математик моделларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик хисоботларни тузиш хамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича геоэкологик ва географик стратегик режаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал хамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- табиат ва жамиятга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий эспертизадан ўтказишни билиш.

**Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

геотизимлар, ландшафтлар, антропоген ландшафтлар, табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш, амалий ландшафтшунослик, инсон ва табиат муносабатлари, арид зоналар табиати, тоғли ўлкалар, табиат комплекслари, геоэкологик муаммолар, иқтисодий ва ижтимоий география, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси, иқтисодий географик ўрин, иқтисодий районлаштириш, урбанизация, меҳнат бозори, инвестиция макони, қўшма корхоналар, инфратузилма, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви, ихтисослашуви, кооперация ва комбинатлашуви, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш, минтақавий иқтисодиёт, минтақавий сиёсат, сервис географияси, социал географиянинг янги йўналишлари.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор ____________ **И.Маджидов**

202_ йил «___» __________

М.Ў.

**ЎзР ФА Сейсмология институти**

Директор __________ **В.Рафиков**

202_ йил «___» __________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Директор в.б.** ____________ **М.Эсонов**

202_ йил «_____» __________

М.Ў.

**Гулистон давлат университети**

Ректор ____________ **М.Ходжаев**

202_ йил «_____» __________

М.Ў.

Илова

*70530402-География (ўрганиш объекти бўйича)* **магистратура мутахассислиги бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг хажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Мутахассислик фанлари** | **510** |
| 1.01 | Илмий тадкикот методологияси | 60 |
| 1.02 | Геосистемалар назарияси | 150 |
| 1.03 | Геодемография | 150 |
| 1.04 | Иктисодий ва ижтимоий географиянинг методологияси | 150 |
| **2.00** | **Танлов фанлари** | **750** |
| | **Жами** | **1260** |
| **3.00** | **Илмий фаолият** | **2040** |
| 3.01 | Илмий-тадкикот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 840 |
| 3.02 | Илмий семинар | 240 |
| 3.03 | Илмий-педагогик иш | 360 |
| 3.04 | Илмий амалиёт (стажировка) | 540 |
| 3.05 | Курс иши | 60 |
| | **ЖАМИ:** | **3300** |
| **4.00** | **Аттестациялар** | **300** |
| | **ҲАММАСИ** | **3600** |

**ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори** **Ш.Топматов**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**
**70530402–География (ўрганиш объекти бўйича) мутахассислиги малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. “___” ____________2021 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институти директори В.Рафиков, Гулистон давлат университети ректори М.Ходжаев, Ўзбекистон Миллий университети ректори И.Маджидов билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

**70530402–География (ўрганиш объекти бўйича) магистратура мутахассислиги.**

Малака талаблари ҳамда ўқув режаси ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институти директори** **В.Рафиков**

**Гулистон давлат университети ректори** **М.Ходжаев**

**Ўзбекистон Миллий университети ректори** **И.Маджидов**